O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 10 январь, № 7 (4417) Пайшанба


# МАВСУМ ТАРАДДУДИ

***Айни кунларда мамлакатимиз деҳқонлари баҳорги экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўришмоқда. Хусусан, ерларнинг шўрини ювиш, ариқ ва зовурларни тозалаш, шунингдек, қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ишлари қизғин олиб борилаяпти.***

**Жараён**

Балиқчи туманида қишки мавсумий ишларга 500 нафардан зиёд сувчи, чилангар, механизатор жалб қилинган. Хўжаликлараро сув тармоқларини тозалаш ишлари эса 12 та экскаватор ёрдамида амалга оширилмоқда. Тумандаги марказий машина-трактор паркида ҳам мавжуд техника воситалари, жумладан, 207 та чопиқ ва ҳайдов трактори, 28 та ОВХ пуркагичи, 80 дан зиёд сеялка, 22 та ер текислаш мосламаси ва 514 та борона тажрибали усталар томонидан сифатли таъмирдан чиқарилмоқда.



**СУРАТДА: Балиқчи тумани марказий МТП чилангари Абдувоҳид Ғаниев иш устида.**

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Урганч шаҳрида янги сув тозалаш иншооти бунёд этилди. Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкининг 11 млн. АҚШ доллари маблағи ҳисобига қурилган мазкур корхона шаҳар аҳолисини кунига 100 минг куб метр тоза ичимлик суви билан таъминлайди.***

### Янги сув тозалаш иншооти

Қурилиш ишлари Эроннинг «ШимбарКО» компанияси ва «Обиҳаёт ЛТД», «ХорПМК-10», «Темир-бетон» каби маҳаллий қурилиш ташкилотлари томонидан амалга оширилиб, бир қатор хориж давлатларидан замонавий ускуналар келтирилди. Энди Шовот каналидан олинган сув уч босқичда сифатли тозаланиб, истеъмолчиларга етказиб берилади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Қўрғон обод бўлмоқда

***Навоий шаҳри ўрамидаги Умид қўрғони мустақиллик йилларининг мевасидир. Янгидан бунёд этилаётган бу гўша замонавий тарзда қурилган юзлаб уй-жойлар билан кўркамлашиб бормоқда.***

Ўтган йили бу ерда 650 ўқувчига мўлжалланган спорт коллежи ва тиббиёт коллежи ўқувчилари учун янги ётоқхона ишга туширилди.

Айни пайтда «Умид»да умумий қиймати 1,5 миллиард сўм бўлган мактаб қурилишига киришилган. 630 ўқувчига мўлжалланган ушбу билим маскани янги ўқув йилида фойдаланишга топширилади. Шунингдек, 8-умумий таълим мактаби қошида замонавий спорт мажмуаси ҳам қад ростлаши кўзда тутилган.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Обиҳаёт манбаи

«Ғарбий Ўзбекистон гидрогеология экспедицияси» давлат корхонаси гидрогеологлари Навоий вилоятидаги «Кўкча» ер ости сув манбаининг «Дуоба» участкасида қарийб 27 минг куб метр миқдордаги захирага эга ичимлик сувини фойдаланишга топширдилар.

Мутахассисларнинг фикрича, бу ердаги сув сифати жуда юқори бўлиб, минтақадаги аҳолининг эҳтиёжини тўла қондира олади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Иқтидорли ўқувчиларга махсус стипендия

***2008 йилни фарғоналик ёшлар ҳам катта умидлар билан кутиб олдилар. Вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ташаббуси билан олий ўқув юртлари, коллеж, лицей, мактабларнинг иқтидорли ўқувчилари учун Ёшлар йилида махсус стипендиялар жорий қилинди.***

Куни кеча мазкур стипендияларни тантанали топширишга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Вилоятдаги олий ўқув юртларининг 5 нафар талабаси, коллеж, лицейларнинг 22 нафар, мактабларнинг эса 19 нафар ўқувчилари Ёшлар йилининг илк стипендиатлари бўлдилар.

— Махсус стипендиялар ёшларнинг янада чуқур билим олишлари, изланишлари, таълим ва жамоат ишларида фаол иштирок этишларига хизмат қилиши шубҳасиз, — дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят Кенгаши раиси Собирхўжа Саидхўжаев.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**2008 йил — Ёшлар йили**

***Ўтган йил мен учун омадли келди. Лицейда аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган «Келажак овози» танловининг республика босқичида қатнашдим. Унда «Рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар» йўналишида ғолиб бўлдим.***

## УЛУҒВОР ИШЛАР БИЗНИ РУҲЛАНТИРАДИ

Ҳайъат аъзолари мен яратган «Ҳаво двигатели»ни «Энг яхши иш» деб топди. Мазкур двигателнинг ишлаш принципи жуда оддий. Махсус бакдаги ҳаво катта босим билан ўт олдириш двигателига узатилади ва уни ишга туширади. Шу билан бирга, ифлосланган ҳаво махсус фильтрлар ёрдамида тозаланади ҳамда яна атмосферага чиқарилади. Бир сўз билан айтганда, бу двигатель экологик жиҳатдан жуда фойдали.

Мен ўзим яратган двигателни қариндошларимизнинг автомобилларида синаб кўрдим. Ҳатто, машинани бир неча юз метрга ҳайдадим ҳам. Тўғри, тезлик бирмунча паст. Лекин биринчи самолётлар ҳам ҳозиргига қараганда жуда секин ҳаракат қилган-ку?! Ишончим комилки, вақт ўтиши билан двигателнинг кучини ошириш мумкин. Буни рўёбга чиқариш учун менда аниқ ғоялар бор. Келажакда, албатта, ҳаво двигателлари карбюраторли ва дизелли двигателлар ўрнини эгаллайди.

Айтганча, Тошкент Давлат техника университети олимлари мен яратган двигателни қисмларга бўлиб, обдон ўрганищди ва унга юқори баҳо берищди. Мен бундай двигателларнинг ватани Ўзбекистон бўлишига ишонаман.

Президентимиз 2008 йилни Ёшлар йили деб эълон қилди. Мамлакатимизда иқтидорли, билимли, ташаббускор ёшлар кўп. Ушбу йилнинг бундай номланиши замирида, менимча, истеъдодли ёшларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдек улкан мақсадлар ётибди. Юртбошимиз раҳбарлигида амалга оширалаётган улуғвор ишлар бизларни янада руҳлантиради, яратувчанликка ундайди.

**Маъруфжон КАРИМОВ,**
**Самарқанд Давлат чет тиллар институти қошидаги академик лицей ўқувчиси.**

## САНЪАТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

***Матбуотда эълон қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президентимизнинг Фармойиши таълим тараққиётидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Мазкур ҳужжатда акс этган ёш авлоднинг миллий ва жаҳон мусиқа санъати негизидаги энг замонавий ютуқларни ўзлаштириши, уларнинг малакали педагог кадрлар қўлида билим олишини таъминлаш масаласи, айниқса, диққатга сазовордир.***

Қай бир миллатнинг санъатга меҳри баланд бўлса, ундан фақат эзгу ғоялар ва юксак тараққиётни кутиш мумкин. Аёнки, юртимизда айни соҳани ривожлантириш, ёш авлод қалбида санъат ва ижодга меҳр уйғотиш масаласи ҳам изчил ислоҳотлар замирида ўз ечимини топмоқда. Ихтисослашган мактабларда таълим олаётган ёшларимизнинг турли халқаро танловларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, катта ютуқларни қўлга киритаётгани ҳам бунга ёрқин далил бўла олади.

— Яқинда шогирдим, Глиэр номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейининг 4-синфида таҳсил олаётган Тоҳиржон Асқаров ёш мусиқачиларнинг "Le Muse" халқаро танловида қатнашиб фахрли ўринни эгаллади, — дейди лицей ўқитувчиси Ирода Ибрагимова. — Унинг нуфузли ҳайъат аъзолари қаршисида туриб, ўзбек ва жаҳон басталорларининг энг сара асарларини ижро этганлиги дунё санъат усталарининг юксак эътирофига сазовор бўлди. Бу бугунги ёш мусиқачиларимиз эришаётган ютуқларга биргина мисол, холос. Албатта, бундай муваффақиятлар уларнинг юксак маҳоратли, тажрибали мутахассислар ёрдамида иқтидори бойиб бораётганлиги, ўқувчиларимизнинг халқаро танловларда иштирок этиши учун барча шароитлар яратилганлиги натижаси, дейиш мумкин. Хусусан, келгусида кучга киражак 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ҳам мусиқа ва санъат мактабларида дарсликлар масаласининг такомиллашуви, соҳа мутахассисларининг меҳнатини янада рағбатлантириш, ихтисослашган мактабларимизнинг мусиқа анжомлари ва бошқа замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланиши масаласини кўзда тутганлиги билан аҳамиятлидир. Бу саъй-ҳаракатларнинг давлат бюджети ва ҳомийлар ҳисобидан амалга оширилиши эътиборли жиҳат. Боиси, ҳозир ҳеч бир мамлакатда таълим жараёнига давлат миқёсида бу қадар ғамхўрлик кўрсатилмаслиги барчамизга маълум.

**Ифтихор**

...Яқинда Юнусобод туманидаги маҳалла болалари учун янгитдан таъмирланган ижодиёт маркази фаолияти билан танишдик. Рақс ва тасвирий санъат йўналишлари учун ажратилган хоналарни кўриб, дилимизда чексиз фахр ҳисси уйғонди. Очиғи, бир маҳаллага мўлжалланган болалар ижодиёт уйидаги мукаммал шароит, болаларнинг санъат ва мусиқадан етук таълим олишлари учун зарур жиҳозлар бадастирлигини кўриб, уни бемалол республика миқёсидаги катта бир таълим масканига менгзаш мумкин. Бугун санъат ва касб-ҳунарга йўналтирилган бошқа мактаб ҳамда ижодиёт уйлари ҳам ана шундай ҳавас қилса арзирли шарт-шароитга эга бўлиб, бетакрор истеъдодли авлодни камолга етказишга хизмат қилмоқда.

Фармойишда ҳар бир туман ва шаҳарда аҳоли сонини ҳисобга олиб, камида биттадан санъат ва мусиқа мактабларини ташкил қилишнинг кўзда тутилиши санъатга меҳри баланд халқимизнинг айни кўнглидаги истак. Зеро, эндиликда қизиқиши ва иқтидори бор ҳар бир ўғил-қиз олисга қатнаб эмас, ўз яшаш жойида таҳсил олиш имконига эга бўлади. Шунингдек, 2008-2009 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари мусиқа йўналишларига қабул квоталарининг қайта кўриб чиқилиши масаласи болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнини янада такомиллаштиришга хизмат қилишини эътироф этиш даркор. Асосийси, буларнинг бари порлоқ келажагимиз бўлмиш баркамол авлод тарбияси йўлида амалга оширилмоқда. Шуниси ҳам борки, вақти келиб юртимиздан жаҳоннинг мана-ман деган санъат усталари етишиб чиққанида, даставвал тарих зарварақларидан ўрин эгаллайдиган ана шу эзгу ишларимиз фахр билан эсга олинади.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

***2007 йилда республикамизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми***

**12,1 фоизга ўсди.**

**Шаҳар ва қишлоқларда хорижий инвесторлар иштирокида кўплаб янги саноат корхоналари ишга туширилгани, мавжудлари модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлангани шундай ижобий натижага эришиш имконини берди.**

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

## ШАРАФЛИ БУРЧ

***Йигит киши учун энг шарафли, масъулиятли бурч бу — аскарлик. Дарҳақиқат, бугун ҳарбий хизматга бормаган, айни пайтда коллеж, академик лицей ёки мактабда таҳсил олаётган йигитларнинг орзу-истаклари билан қизиқсангиз, уларнинг аксарияти, биринчи навбатда, ҳарбий хизматни ўташ истаги борлигини билдиради. Хўш, нега шундай?***



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизими тубдан ислоҳ этилди. Кўплаб қонун ва фармонлар, қарорлар қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 октябрдаги «Муддатли ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида» ҳамда 2003 йил 22 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарорлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Эътиборли жиҳати, мазкур ҳужжатлар асосида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ёшларимиз мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга кириш ва танлаган мутахассисликлари бўйича олий маълумот олишлари, энг муҳими, ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун қўшимча имтиёз ва имкониятларга эга бўлмоқдалар. Шу ўринда Президентимиз томонидан 2005 йилнинг 31 октябрида имзоланган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни эслаб ўтиш жоиз. Мазкур қарорда республикамиз Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, қўмондонликнинг тегишли тавсияномаси билан қайтган йигитлар учун мамлакатимиз олий ўқув юртларига киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёз бериш белгиланган.

(Давоми 2-бетда).

## 2008 йил — Ёшлар йили

***Мамлакатимиз Президентининг Конституциямизнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини тинглаб, Мустақиллигимизнинг ўтган даврида ёшлар борасида қабул қилинган қарорлар, қонунлар, дастурларни бир зум хаёлдан ўтказдим. Мамлакатимизда қабул қилинган илк дастур — “Соғлом авлод” дастури бўлса, илк орден ҳам биринчи ва иккинчи даражали “Соғлом авлод учун” ордени экан. Зеро, миллатимиз, халқимиз соғлиғи, унинг саломатлиги мамлакат миқёсида биринчи даражали вазифа эканлиги ушбу қарор ва дастур билан мустаҳкамлаб қўйилди.***

# КЕЛАЖАГИМИЗ ТИМСОЛИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг қабул қилиниши, болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши, уч босқичли — Умид ниҳоллари, Баркамол авлод, Универсиада спорт мусобақаларининг йўлга қўйилиши ўтган даврда ёшлар тарбияси, уларнинг замонавий кадрлар бўлиб етишишлари учун кенг йўл очди. Шунингдек, Зулфия, «Ниҳол» танловлари, «Келажак овози», «Янги авлод» каби кўрик-танловларнинг ташкил этилиши ёшларга берилган имконият бўлиб, улар ўзларининг ноёб қобилият ва истеъдодларини турли жабҳаларда намойиш этишмоқда.

Ёшларнинг ўз имкониятларини ҳаётга татбиқ этишлари, жамиятда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш мақсадида вилоятларда қандай ишлар олиб борилмоқда?

Жумладан, Қашқадарё вилоятида 2007 йилдаги энг муҳим ишлардан бири “Вилоят ёшлар маркази”нинг қурилиб ишга туширилиши, деб таъкидласак тўғри бўлади. Мамлакатимизда ёшлар масаласида олиб борилаётган сиёсатни вилоятда қўллаб-қувватлашга қаратилган ушбу марказда 30 ёшгача бўлган 1 млн. 672 минг 976 нафар вилоят ёшлари тўғрисидаги барча маълумотлар жамланган. Бу маълумотларда уларнинг қизиқишлари, қайси соҳага қобилиятли эканликлари, интилишлари ҳам ўз аксини топган. Энг муҳим жиҳати, уларга касб танлашда, билим олишда, ўз қобилият ва иқтидорларини намоён этишда кўмак берилиши назарда тутилган. Ёшлар марказга ўз муаммолари, ўзларини қизиқтирган масалалар билан мурожаат этиши, тегишли тартибда маслаҳат ва йўналиш олишлари мумкин.

Марказда бир неча йўналишда тўгарак ва шўъбалар ташкил этилган. Бу тўгарак ва шўъбалар адабиёт, санъат, ҳунармандчилик, рассомчилик, техник ишланмалар ва рационализаторлик таклифлари, бизнес-режалар ҳамда инновацион лойиҳалар бўйича маслаҳат ва ўқувлар ташкил этади, ёшларга ёрдам ва кўмак беради. Таъкидлаш лозимки, марказга бир марта қадам қўйган йигит-қиз унинг доимий аъзоси бўлиб қолмоқда. Айниқса, ёшларни ишга жойлаштириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи алоҳида шўъбанинг фаолият юритиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этаяпти. Ҳозирги вақтда “Вилоят ёшлар маркази”нинг туманларда бўлимларини ташкил этиш борасида ишлар олиб борилмоқда. Марказнинг асосий тамойили бирор бир ёшни тарбиявий, маънавий-маърифий ишлардан четда қолдирмаслик ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг Ёшлар йили давлат дастурининг асосий ғояси қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги фикрлари тарбиянинг ҳуқуқий негизларини, ёшларнинг манфаатлари, касб-корли, сиёсий жиҳатдан билимдон ва сезгир бўлишлари ҳамда юқоридагилар асосида жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашларини, бир сўз билан айтганда, ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол инсонлар бўлиб вояга етишишларини кўзда тутади. Таълим соҳасининг вакили сифатида мени, биринчи галда, ўқув юртларини битираётган ёшларимизни ишга жойлаштириш, уларга ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллашлари учун шароитлар яратиш, кўмак бериш борасидаги тадбирлар қизиқтиради.

Ўрта умумий таълим мактабларини тугатаётган ёшлар касб-ҳунар коллежларига борадими ёки академик лицейларда таҳсил оладими?

Айнан шу ўринда биз дастлаб ёшларни муайян мақсад сари йўналтириш масалаларини охиригача ҳал этишимиз лозим, деб ўйлайман. Бунинг учун бола қобилиятини ҳамда унинг имкониятларини ўрганишни янги поғонага кўтаришимиз шарт. Аксарият ҳолларда бирон бир соҳа бўйича қобилияти мавжуд боланинг ўзига мос бўлмаган тармоқда адашиб юрганлигининг гувоҳи ҳам бўламиз. Жуда ажойиб рассом йигит иқтисодиёт йўналишида ёки муҳандисликка қобилияти бор йигит ҳуқуқшунослик йўналишида таълим олмоқда. Агар шу ёшлар ўзларининг қобилиятларига мос бўлган соҳаларда фаолият юритсалар, бундан уларнинг ўзига ҳам, жамиятга ҳам фойдаси катта бўлур эди.

Бизнингча, истиқболда муҳандислик йўналишларига ёшлар эътиборини тортадиган дастурлар ишлаб чиқилиши, фундаментал фанлар ривожига ҳисса қўшадиган ёшлар салмоғининг ошишига хизмат қилувчи қарорлар қабул қилиниши уларнинг салоҳиятидан унумли фойдаланиш имкониятларини очиб беради.

Кадрлар мониторингини олиб бориш, мамлакатимиз халқ хўжалиги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, мутахассислар тайёрлашимиз, кадрларнинг маълум бир соҳаларда кўпайиб, бошқа бир соҳаларда камайиб кетмаслигига, баъзи йўналишларда иқтидорли ёшларнинг, бошқа бир жабҳаларда эса иқтидорли бўлмаганларнинг тўпланиб қолмаслигига эришишимиз ҳаёт заруратига айланмоқда. Маърузада таъкидланганидек, ёш авлоднинг манфаатларини таъминлашни кучайтиришга қаратилган сиёсатимизда ушбу ҳолатларни, албатта, эътиборга олишимиз, унинг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришимиз даркор.

Замон талабларига мос кадрлар тайёрлашда тил ўрганиш, компьютер саводхонлигига бўлган эътиборимизни янада кучайтиришимиз зарур. Таълим муассасаларини замонавий техник воситалар билан жиҳозлашда янги босқичга кўтарилишимиз, ёшларимиз бир эмас, бир неча тилларни эгаллашларига имкониятлар яратишимиз давр тақозоси бўлиб қолмоқда. Тилни ўрганиш, компьютер саводхонлигини оширишни болалар боғчасидан йўлга қўйиш вақти-соати етиб келган. Бу ишлар ҳозирда ҳам бор, аммо саноқли болалар боғчаларида амалга оширилмоқда. Умуман, мамлакатимизда болалар боғчалари аҳволи, қишлоқ жойларда уларни ташкил этиш муаммолари ҳақида ҳам ўйлаб кўриш лозим.

Таълим тизимига замонавий педагогик технологияларни тўла татбиқ этиш учун ҳам анча тер тўкишимиз керак. Жумладан, ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган педагогик технологияларни тўғридан-тўғри эмас, балки ўзлаштириб-такомиллаштириб, мослаб жорий этиш билан бир пайтда, ўзимизга мос ва хос бўлган педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва таълим-тарбия жараёнида амалга ошириш масалалари ҳам олдимизда турган долзарб масалалардандир.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан ёшларга, уларнинг келажагига қаратилаётган эътибор бежиз эмас. Олдимизда улкан вазифалар турибди. Бу — халқимиз томонидан ўз етакчиси раҳнамолигида амалга оширилиши шарт ва зарур бўлган вазифалардир. Чунки келажак — ёшлар қўлида. Зеро, аждодлардан мерос халқимиз руҳиятини авлодларга етказиб берувчилар ҳам, шу юртга эгалик қилувчилар ҳам ўзимизнинг ёшларимиздир. Биз улар учун қанчалар хизмат қилсак ҳам кам.

**Муродулла НОРМУРОДОВ,**
**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# ШАРАФЛИ БУРЧ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қарорнинг ёшлар учун яна бир муҳим аҳамияти шундаки, ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, бироқ танлов давомида (тест синовида) керакли балл тўплай олмаган муддатли ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентлар таълимнинг педагогика, қишлоқ хўжалиги, табиий-илмий ва техника йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилинади.

Мазкур қарорнинг иккинчи бандида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларга, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари ҳаётида фаол иштирок этган тақдирда, контракт суммасининг 35 фоизи моддий ёрдам тариқасида тўлаб берилиши белгиланган.

Қувонарли жиҳати, шартнома пули нафақат олий ўқув юртларининг биринчи босқичида таҳсил олаётган талабалар, балки 2, 3 ва 4-таълим босқичларида ўз фаоллигини кўрсатаётганларга ҳам тўлаб берилмоқда.

Бугунги кунда юртимизнинг кўпгина олий таълим муассасаларида ҳарбий хизматдан тавсиянома олиб, талаба деган номга эришган ёшлар сони мингдан ошди. Айтайлик, Тошкент Ахборот технологиялари университетининг «Телекоммуникация технологиялари» факультетида таҳсил олаётган Рустам Бобоев Бухоро вилоятининг Вобкент туманидан. У ҳарбий хизматни ўташ даврида жасурлиги, фаоллиги ва ташаббускорлиги билан тенгдошлари орасида ажралиб турди. У ўз интилиши натижасида ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасини олди.

— Хизматдан уйга қайтгач, университетга киришга аҳд қилдим, — дейди Рустам. — Ўнлаб адабиётларни ўқиб чиқдим. Тест жавоблари эълон қилинган куни рўйхатда шартнома асосида ўқишга кирганлигимни кўрдим. Ҳозир барча фанларни аъло баҳоларга ўзлаштирмоқдаман. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шартнома пулимнинг 35 фоизини тўлаб бераяпти. Айни кунларда университетимизнинг «Талабалар кенгаши»га раисман.

Ҳарбий хизматга боришни фахр билан тилга олаётган ёшларни кўриб қувонасан, киши. Бу мамлакатимизда ўсиб келаётган авлодга эътибор самарасидир. Яқин вақтлар ичида бу ёшлар юртимиз равнақи йўлида фидойи фарзандлар бўлиб етишиши муқаррар.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАЙСАЛАРГА ҲАМ МЕҲР ЁҚАДИ

*Шу кунларда қайсидир даланинг бошига борган, деҳқончилик илмидан узоқ киши «Ер қиш уйқусида ётибди» деб ўйлайди. Дарвоқе, ғалла экилган пайкаллар кўксида деҳқоннинг омонатини асраб, бағрига илдиз отган майсаларни ардоқлаб, эртанги илиқ кунларни кутиб ётганини у қаердан билсин? Деҳқон меҳрининг тафтига исинган майсалар эса совуқ шамолларга ҳам эркалик қилишини, улар халқимизнинг эртанги ризқ-рўзи, насибаси, қувончи эканини содда одам қандай тушунсин? Буни қишда ҳам тиним билмай, «Майсаларим омонмикан?» дея даласига чопадиган, кузда озиқлантириб куч-қувватга тўлдирган ниҳоллари кўкка бўй тортаётганини кўриб, қувонган деҳқонгина ҳис қилади.*

**Ишлар қалай, фермер?**

Хоразмликлар жорий йил кузида 31 минг 911 гектар суғориладиган ерда ғалла ниҳоли ўстирдилар. Ғаллачилик билан шуғулланаётган 3816 та фермер хўжалигининг ғалла майдонлари ҳозиргача 2 марта озиқлантирилиб, шунча марта суғорилди. Биринчи гал гектар ҳисобига 110 килограммдан фосфорли ўғит сепилган бўлса, иккинчи маротаба 21 килограммдан азотли ўғит солинди. Натижада ниҳоллар баравж ривожланди.

Яқинда Янгиариқ туманидаги Отахон Жуманиёзов бошлиқ фермер хўжалигининг ғаллазорида бўлдик. 8 гектардан ортиқ майдондаги ғўза қатор ораларига ғалла уруғи сочган экан. Ғўзапояни ҳалигача йиғиштириб олмабди. Сабабини сўрасак, у «Майсаларни совуқдан асраяпман, ғўзапояни баҳорда йиғиштириб олсам ҳам бўлаверади», деб жавоб берди. Бу ҳавасмандлик, изланиш, ерга эгалик иштиёқининг маҳсули эмасми?

Хоразмлик ғаллакорлар билан суҳбатлашсангиз, биринчи галда, уруғ сара бўлса, ҳосил мўл бўлишини айтишади. «Сара уруғ қандай талабларга жавоб бериши керак?» деган саволни берсангиз, «Аввало, тупроқ ва иқлим шароитига мос, касалликка чалинмайдиган, зараркунандаларга чидамли, эртапишар, кам сув ичадиган, тўкилиб кетмайдиган, ҳосилдор бўлиши шарт», дейишади.

Шу боис, Хоразмда уруғчилик маданиятини оширишга, бу борадаги ташкилий ишлар, илмий изланишларни изчил давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунга келиб 8 минг тоннадан ортиқ сара уруғ тайёрланди. Ҳозир далаларга «Андижон — 2», «Крошка», «Половчанка», «Краснодар — 99» каби навлар уруғи қадалган. «Вита», «Кума», «Нота» каби янги навлар эса уруғлик учун экилиб, синаб кўрилаяпти.

Ғаллачиликка сарфланаётган харажатларни камайтириб, фойда миқдорини ошириш масаласи ҳам диққат марказида турибди. Тўғри-да, деҳқон фақат меҳнат қилишни эмас, балки кўпроқ фойда олишни ҳам билиши керак. Шуни ҳисобга олиб, бугун хоразмлик деҳқонлар минерал ўғит ўрнига маҳаллий ўғитдан фойдаланишни афзал кўришмоқда. Уларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, минерал ўғит кўп ишлатилса, ерни «бузади», шу билан бирга, қимматга ҳам тушади. Маҳаллий ўғит эса ерга фойдали, қолаверса, арзон. Ҳар гектар майсазорни қўшимча 5 тоннадан маҳаллий ўғит билан озиқлантириш мўлжалланаётганининг боиси шунда. Шу мақсадда ҳозиргача 67 минг 876 тонна маҳаллий ўғит жамғариб қўйилди.

Вилоятда ғаллакорлар учун етарли даражада моддий ва молиявий шароитлар яратиб берилаётгани, деҳқонларнинг иқтисодий манфаатдорлиги таъминланаётгани ҳам уларнинг ғайратига-ғайрат қўшаяпти. Шу кунгача келгуси йил ҳосилини кредитлаш мақсадида вилоят тижорат банклари томонидан 2 миллиард 352 миллион сўмлик кредит маблағлари фермер хўжаликларига берилди.

Ҳақиқий деҳқон ҳеч қачон баҳона қидирмайди. Деҳқоннинг меҳнати қишни баҳорга, баҳорни ёзга боғлайди. Шу йўл юксак хирмонларга ҳам туташади. Ҳозирда уйқуда ётгандай туюлган далалар, ҳадемай, ҳосили шиғил пишиб етилган, олтин бошоқлари денгиздай чайқалаётган ғаллазорларга айланади. Бу ғалла далаларини қудратли комбайнлар наъралари жунбушга келтиради. Хирмонларга яна тонна-тонналаб дон тўкилади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

**Тадбиркорлик**

Паррандачиликни ривожлантириш қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, шу асосда оилалар даромадини ошириш, ички истеъмол бозорини тухум ва товуқ гўшти билан тўлдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш бу борада янги уфқларни очмоқда. Хусусан, қамашилик тадбиркор Баҳриддин Ҳазратов паррандачилик билан шуғулланиб, рўзғорига қут-барака киритаётир. У ўтган йил бошларида Самарқанддаги паррандачилик фабрикасидан 250 дона “Лорум браун” зотли жўжа харид қилиб, уларни парваришлашни йўлга қўйган эди. Натижа чакки бўлмади: товуқлардан кунига 150-160 донагача тухум олмоқда.

— Товуқлар сонини кўпайтириб, аҳолининг парҳез гўшт ва тухумга бўлган эҳтиёжини қондириш асосий мақсадим, — дейди тадбиркор. — Айни кунларда қўшимча товуқхона қуриш ҳаракатидаман.

**СУРАТДА: тадбиркор Баҳриддин Ҳазратов меҳнати маҳсулидан мамнун.**

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.**

# САОДАТ СОҲИБАСИМАН

*Истиқлол энг улуғ ва азиз неъмат. У бизга эркимизни, миллий ўзлигимизни қайтариб берди. Қадри ва ғурури тикланган бир аёл сифатида шуни айтишим мумкинки, бугун фақат шукрона келтириб, жамият ривожига ўз улушимизни қўшиш нияти билан яшашимиз лозим. Қолгани ҳаракатимизга қараб ўз ўрнига тушаверади. Муҳими, зарурати бўлса-бўлмаса, бировга ҳисоб беришимизга, ниманидир кўнгилга тугсак, албатта, кимдандир чўчишимизга ҳожат йўқ.*

Ўзим Андижон Давлат университетининг “Ўзбек адабиёти” кафедрасида фаолият кўрсатаман. Бугун шогирдларим турли мавзуларда илмий изланишлар олиб боришмоқда. Хусусан, Маҳбуба Раҳмонова “Ўзбек халқ афсоналари поэтикаси” мавзуидаги докторлик, Маҳбуба Темирова эса “Ўзбек — қирғиз халқ мақоллари типологияси” мавзуидаги номзодлик диссертациялари устида ишлашаяпти. Уларнинг илмий изланишлари учун таълим даргоҳимизда барча шароит муҳайё.

**Дил сўзи**

Университетимиз талабалари орасида ўзининг иқтидори, ақл-заковати билан намуна бўлаётган, хорижга чиқиб, илм-фан оламидаги янгиликлар борасида дунё билан тажриба алмашаётган ёшлар кўплаб топилади. Уларнинг аксарияти Президент стипендиати, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий номидаги давлат стипендиялари соҳибидир. Қолаверса, талабаларимиз турли танловларда, халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлишмоқда. Хорижликлар тилида бийрон сўзлашадиган, буюк боболари меросини чуқур ўрганиб, маънавий бойлигимизни дунё аҳлига кўз-кўз қилишга тайёр турган бу йигит-қизларнинг ҳаракат ва интилишларига гувоҳ бўлганим сайин қалбим ифтихорга тўлади. Ўз фикри ва аниқ мақсадига эга шундай қатъиятли ёшларга таълим бераётганимдан, ҳар қадамда улар ютуғига гувоҳ бўлаётганимдан фахрланаман.

Эртамиз келажаги бўлмиш истеъдодли, танлаган касбига янгича ғояларни татбиқ қилувчи шогирдларнинг ўқитувчиси сифатида айтишим мумкинки, эришажак ютуқларимиз ҳали олдинда. Қувонарлиси, биз истиқлол туфайли ўз ғурури, шаъни ва истиқболи йўлида бор куч-қудратини ишга солиб, ҳаракат қила биладиган авлодни тарбиялашга эришдик. Шундай ютуқларимиз, қалбимизга ғурур бахш этаётган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида ўйлаганим сайин шу юртда яшашдек улуғ саодат пешонамга битилганидан бахтиёрлик ҳиссини туяверамаан!

**Салима МИРЗАЕВА,**
**филология фанлари доктори.**

# Саломатлик — бойлик

**Тиббиёт**

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури талаблари бўйича Навоий вилоятида самарали натижаларга эришилаяпти. Жумладан, тиббиёт муассасаларида хизмат кўрсатаётган 270 нафар олий маълумотли ва 1119 нафар ўрта тиббиёт ходимлари Тошкент ва Навоий шаҳарларида, Россия, Туркия давлатларида замонавий даволаш усуллари бўйича малакаларини ошириб қайтдилар. Шунингдек, «Саломатлик — 2» ҳамда Оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш лойиҳаси асосида, 38 та ҚВП Осиё Тараққиёт банки томонидан 45 турдаги жиҳозлар билан таъминланди.

**Э. ҲАМДАМОВ.**

***Маълумки, XXI асрга халқаро ташкилотлар томонидан «Сифат асри» деб ҳам қаралмоқда. Бундай қарашнинг маъноси шуки, дунё миқёсида иқтисодий ривожланишда сифат масаласи тобора устувор аҳамият касб этмоқда. Дарҳақиқат, маҳсулот сифати менежментига бизда ҳам жуда катта эътибор берилаётир. Охирги 2-3 йилда республикамизда халқаро стандартлар асосида сифат тизими жорий этилган корхоналар 145 тани ташкил этди. Ҳолбуки, бундай корхоналар сони 2004 йилда атиги 18 тани, 2006 йилда 54 тани ташкил этарди, холос.***

# СИФАТ — КОРХОНАЛАР МЕЗОНИ

Шу билан бирга, халқаро стандартларга асосланган сифат тизимига ўтган корхоналар учун замонавий кадрлар, яъни маҳсулот сифати менежерлари, консультантлар, аудиторлар тайёрлаш давр талабига айланмоқда. Ҳукуматимизнинг шу масалага доир 2004 йил 22 июлдаги қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги таълим даргоҳларида «Сифат менежменти» таълим йўналиши очилди ва бу йўналиш бўйича мутахассислар тайёрлашга киришилди.

Жумладан, Тошкент Давлат техника университетида Метрология, стандартлаштириш, сертификатлаштириш кафедраси ташкил этилди. Кейинги 10 йил ичида ушбу кафедра 350 дан зиёд мутахассисни етказиб берди. 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб эса, республикамиз иқтисодиёти учун янги йўналиш бўлган «Маҳсулот турлари бўйича маҳсулот сифати менежменти» мутахассислигига талабалар қабули амалга оширилди. Университетимизни битириб чиққан бакалавр ва магистрлар илмий-тадқиқот институтлари ҳамда бир қатор йирик корхоналарда фаолият юритмоқдалар.

Сифатни бошқариш тизимлари учун замонавий кадрлаш тайёрлаш масаласида «Ўзстандарт» агентлиги раҳбарияти, унинг таркибидаги бошқармалар ва лабораториялар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. «Ўзстандарт» агентлиги таркибида кафедранинг филиали ҳам ташкил этилган. Халқаро стандартлар асосида фаолият кўрсатаётган корхоналар учун «Маҳсулот сифати менежерлари», «Сифат бошқаруви» мутахассисларини тайёрлашда охирги йилларда орттирилган ижобий тажрибалар билан бирга, бевосита корхоналарнинг талаб-эҳтиёжлари инобатга олинган ўқув дастурлари ишлаб чиқилмоқда.

Бизнингча, «Маҳсулот сифати менежменти» йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари ўртасида ҳам касбга йўналтириш ишларини кенг йўлга қўйиш лозим. Бу жуда муҳим масала бўлиб, келажакда шу йўналишларда кичик

**Муносабат**

мутахассислар тайёрлаш мақсадида махсус касб-ҳунар коллежини ташкил этиш ҳам тақозо қилинади.

«Маҳсулот сифати менежменти» йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашда «Ўзстандарт» агентлиги, унинг қошида фаолият юритаётган Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтининг юқори малакали ходимларини жалб этган ҳолда, янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмалари устида ишлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Охирги йилларда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан яратилган «Основы стандартизации, сертификации и управления качеством», «Основы обеспечения единства измерений» каби дарслик ва бошқа ўқув қўлланмалар давлат тилида ҳам нашр этилиши зарур. Шу билан бирга, «Сифат тизими», «Маҳсулот сифати менежменти», «Сифат тизимини бошқариш» йўналишлари бўйича кенг доирада илмий ишларни йўлга қўйиш, шунингдек, давлат гранти ва хўжалик шартномалари асосида ишларни бажариш Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти ҳамда Тошкент Давлат техника университети таркибидаги шу соҳага доир кафедра профессор-ўқитувчиларининг фаол иштирокида олиб борилиши керак. Ишни шундай ташкил этиш «Маҳсулот сифати менежменти» йўналиши бўйича рақобатбардош кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.



Яқинда «Маҳсулот сифати менежменти йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш — давр талаби» мавзуида ўтказилган Республика илмий-амалий анжумани бу муҳим масалада орттирилган тажрибаларни кенг доирада муҳокама қилди ва анжуман натижаларига кўра белгиланган чора-тадбирлар сифат менежменти йўналишида кадрлар тайёрлашнинг истиқбол режаларини ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди.

**Фатхулла ИСМАТУЛЛАЕВ,**
**Республикада хизмат кўрсатган ихтирочи, техника фанлари доктори, профессор.**

ЖАҲОН 24 соат ичида

## Салбий таъсир кўрсатиши мумкин



Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири Акира Амари Римда италиялик ҳамкасби Пьерлуиджи Берсани билан музокаралар ўтказгандан сўнг нефть нархининг ошиб бориши «қора олтин»нинг экспортёрларига ҳам, истеъмолчиларига ҳам бирдек салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини билдирди. Унинг фикрича, аҳвол шу даражада давом этса, дунё иқтисодиёти инқирозга юз тутиши ва бу барча мамлакатлар учун ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

## Маълумотни рад этди

Толибларнинг Гельманд музофотидаги қўмондонларидан бири Нахиб Аҳмад 15 минг доллар пора эвазига қамоқдан озод этилганини маълум қилди. Нахиб Аҳмад «Қизил мулла» номи билан машҳур бўлиб, Буюк Британия махсус хизмати маълумотларига қараганда, у кўплаб хунрезликларга бош-қош бўлган. У ўтган йилнинг ўрталарида қўлга олинганди.

Манбада айтилишича, Толиблар ҳаракатида катта лавозимларда ишлаб келган Аҳмад уч маротаба қўлга олинган, бироқ ҳар сафар пора эвазига озодликка чиқиб кетаверган. Афғонистон ҳукумати вакили ушбу маълумотни бутунлай рад этди.

## Ракета кўчага тушди



Сўнгги олти ой мобайнида биринчи маротаба Ливандан Исроил ҳудудига ракета отилди. Мамлакат полицияси вакилининг билдиришича, иккита ракета Исроил шимолида жойлашган Шломи шаҳри кўчасига келиб тушган. Бахтли тасодиф туфайли ҳеч ким жабр кўрмади. Ҳозирда мамлакат хавфсизлик кучлари ушбу воқеа юзасидан текширувларни бошлаб юборди. Айни пайтга қадар мазкур терактни ҳеч бир террорчи ташкилот ўз зиммасига олмади.

## Кўрсатма бергани келди

Таиланд собиқ бош вазири Таксин Чинаватнинг хотини ўзига нисбатан қўйилаётган айбловлар юзасидан кўрсатма бериш учун Бангкокка келди. Сўнгги ойларда Гонконгда яшаётган Поджаман Чинават солиқларни яширганликда айбланмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Таксин Чинават ҳукумати 2006 йил сентябрь ойида ҳарбий йўл билан ағдарилганди.

## Кўп қаватли уйда портлаш



Қозонда уч қаватли уйлардан бирида газ портлаши оқибатида камида 4 киши вайроналар тагида қолиб кетди. Портлашдан сўнг ёнғин келиб чиққан. Айни пайтда воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда. Бинода истиқомат қилувчи оилалар вақтинча мактабга жойлаштирилган.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

MIKROKREDITBANK

# «ҲАР БИР ОИЛАГА КИРИБ БОРАМИЗ»

— «Микрокредитбанк» жамоасининг шиори шундай!

***Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бу соҳадаги лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашда акциядорлик тижорат «Микрокредитбанк»ининг алоҳида ўрни бор. Буни, жумладан, банкнинг Наманган вилояти бошқармаси фаолияти мисолида яққол кузатиш мумкин. Мазкур бошқарма, айниқса, якка тартибдаги меҳнат билан шуғулланувчилар сафини кенгайтириш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда.***

Қиш бўлишига қарамасдан, Бураматут қишлоғидаги дўконлар пештахталаридан янги узилган помидор ва бодринглар аримай қолди. Нархи ҳам унчалик баланд эмас. Сабаби, дўкондорлар уларни шундоққина қишлоқнинг ўзидан Усмонжон Фозиловнинг иссиқхонасидан олишяпти. Бу фермер ана шу юмушга аввалги йилнинг охирида қўл урганди. Иссиқхона қуришнинг ўзи бўлмайди, аввало, каттагина маблағ керак. Усмонжон ушбу масалада ўзи мижоз бўлган «Микрокредитбанк»ка суянди. Мижоз ишончли, бизнес-лойиҳа эса пухта бўлганидан кредитни расмийлаштириш ҳам жуда енгил кўчди.

— Қиш мавсумида 20 тонна сархил маҳсулот етиштириш осон ишми? Бундай лойиҳани ҳамма ҳам тавсия этавермайди. Режангиз амалга ошишида, албатта, елкадош бўламиз, — дея, фермернинг таклифини қўллаб-қувватлашди «Тўрақўрғон» минибанки ходимлари.

Шундай қилиб, мижоз уч йилда қайтариш шарти билан ажратилган 5 миллион сўм кредит ҳисобидан баҳорга қолмай 40 сотих ердаги дастлабки иссиқхонани ишга туширди. Бугун ўша ерда иккинчи ҳосил пишаяпти. Қишда ҳам баҳор нафаси уфуриб турган ойнаванд пайкалда маҳалладошлардан ўн нафари деҳқончилик қилишяпти. Айни паллада фермер бизнес-лойиҳасининг кейинги босқичида кўзда тутилган иккинчи иссиқхонани қуриб битказяпти.

Бизнесни йўлга қўяман, деган одамга, аввало, бошланғич сармоя зарур. Унча катта бўлмаган лойиҳаларга қўл урган кўплаб кишилар бу борада банкнинг миникредитларидан фойдаланишни афзал билишади ва тўғри қилишади. Масалан, қишлоқда дурадгорчилик устахонаси очиш мақсадида юрган бураматутлик Соҳибжон Қосимовга ҳам банкнинг имтиёзли кредити асқотди. Шоҳидонлик Баҳромжон Солиев эса 620 минг сўм кредит ҳисобидан компьютер хизмати кўрсатиш шохобчасини ишга туширди.

Мижозларга кўрсатилаётган молиявий ёрдамнинг пировард натижаси маънаман деб кўзга ташланиб турган бундай мисолларни банкнинг амалиёт бўлими ва 5 та тумандаги бўлимлари фаолиятидан кўплаб келтириш мумкин. Улар микрокредит хизмати кўрсатишда нафақат вилоят маркази, балки ҳудудлардаги 99 та қишлоқ фуқаролар йиғини, улардаги юз минглаб оилаларга кириб боришга ҳаракат қилишаяпти. Бу, ўз навбатида, олис қишлоқларда ҳам замонавий хизмат тармоқларини ташкил этиш, оилавий бизнесни кенгайтириш, шу орқали ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш имконини бермоқда. Хусусан, ўтган йили тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармояни шакллантириш учун 3087 та лойиҳа бўйича 2 миллиард 382 миллион сўмдан зиёд кредит ажратилди. Бизнесни ривожлантириш лойиҳасини тавсия этган 276 ишбилармон эса айланма маб-

### Молия муассасаларида

лағларини 904,6 миллион сўмлик кредит билан тўлдириб олди. Умуман олганда, банкнинг ушбу мақсадлар учун ажратган 3,5 миллиард сўмдан кўпроқ маблағи ҳисобидан 2903 та янги иш ўрни вужудга келтирилди.

Жойлардаги тадбиркорлар сафини бизнес қобилиятини синаб кўришга аҳд қилган аёллар тобора кўпроқ тўлдираётгани маълум. Бу қувонарли ҳол. Чунки оила бекаси хонадон юмушлари, фарзандлар тарбиясидан вақт орттириб, бунга имкон топибдими, уни табриклаш керак. Банк ўз мижозлари бўлган қиз-жувонларга бу масалада чинакам кўмакдошга айлангани эса нур устига аъло нур. Биласиз, қишлоқ аёлларининг кўпчилиги қорамол боқишни йўлга қўйиш орқали ижтимоий меҳнатда қатнашишни афзал билишади. Шу боис улардан 70 нафарига банк 65 миллион 800 минг сўм миқдорида кредит ажратди. Натижада шунча хонадон дастурхонидан қаймоқ, сут, қатиқ аримаяпти, ортгани қўни-қўшниларга сотилмоқда. Паррандачилик билан шуғулланаётганлар ҳам анчагина. Улар банк кредитига эга бўлганларидан сўнг маҳалла фуқаролар йиғини ёрдамида зотли товуқлар сотиб олиб, тухум етиштиришяпти. Мисол учун янгиқўрғонлик Галина Ҳамидуллина 600 минг сўм имтиёзли кредит ҳисобидан уйида мўъжазгина паррандахона қурди. Ёнига қўшни аёллардан икки нафарини олиб, товуқларни боқишга киришди. Бу парҳез таомга қишлоқнинг ўзида ҳам талаб етарли, тухумларни эса маҳалладошлар пешма-пеш олиб кетишади.

Тўрақўрғон туманининг Шоҳидон қишлоғи фуқароси Мавлудахон Мамажонованинг маҳаллада аёллар сартарошхонаси очиб, қиз-жувонларга орасталик бахш этиш борасидаги эзгу иши ҳам банкнинг 350 минг сўм имтиёзли кредити билан рўёбга чиқди. Молиявий муассаса ходимлари эса яқинда тадбиркор аёлларга моддий кўмак бериш борасидаги ишларни сарҳисоб қилишди — якунланган йилда 730 киши 896,1 миллион сўм кредит олибди.

— Мижозларимиз ўртасида истеъмол кредитига бўлган талаб кучли, — дейди бошқарма бошлиғи Мирзакамол Акрамшоев. — Бу табиий ҳол. Чунки хонадонини замонавий мебель, электротехника воситалари билан жиҳозлайман деган кишига бу энг мақбул йўл. Дейлик, мижоз дўкондан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган телевизор ёки музлатгични танлади. Дарров кредит учун ҳужжатларни тўлдиради. Қараб турибсизки, кўп ўтмай, ўша буюм хонадонида. Ўтган йили шу мақсад учун 428 оилага 317, 6 миллион сўм маблағ ажратдик. Мазкур иш билан шуғулланадиган бўлимимизнинг буюртма папкаси эса тўла. Боиси, имкониятдан фойдаланиб, турмуш даражасини юксалтиришни мўлжаллаган ҳамюртларимизнинг кўпчилиги хизматимизнинг айни турини маъқул кўришяпти-да.

Микромолиявий хизматнинг ўзига хос томони шундаки, унинг кириб бормаган соҳаси йўқ. Ишлаб чиқаришда бирор янгилик ёки бизнес соҳасида мўъжазгина лойиҳага қўл урган тадбиркор борки, ундан бажонидил фойдаланаяпти. Жумладан, Наманган шаҳридаги «Типофотопласс» МЧЖ раҳбари Сайдулло Йўлдошев мактаблар учун харитали глобус тайёрлашга киришди. Бу хайрли юмушга кўмаклашишни сўраб «Микрокредитбанк»ка мурожаат қилган эди, амалиёт бўлими 10 миллион сўм микролизинг ажратди. Эндиликда вилоятдаги мактаб ва лицейлар ана шу ноёб ўқув жиҳозини мазкур корхонадан сотиб олишяпти.

«Микрокредитбанк»нинг Наманган вилояти бошқармаси мутахассислари айни кунларда поёнига етган йилда бажарилган ишларни сарҳисоб қилиш баробарида янги йил режаларини белгилаб олишяпти. Амалга ошириладиган тадбирлар орасида мижозларни молиявий қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес эгалари, хусусан, оилавий бизнесга эътиборни янада кучайтириш, шу мақсадда хизмат кўрсатилаётган ҳудуддаги ҳар бир хонадонга кириб бориш сингари эзгу юмушлар бор.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ

МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

қуйидаги кафедраларга кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи вакант лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Дастгоҳли рангтасвир кафедраси:** кафедра мудири, профессор — 3, доцент — 4, ўқитувчи — 4.
**Чизматасвир кафедраси:** кафедра мудири, профессор — 1, катта ўқитувчи — 3, ўқитувчи — 1.
**Ҳайкалтарошлик кафедраси:** доцент — 2, катта ўқитувчи — 1, ўқитувчи — 3.
**Амалий графика кафедраси:** кафедра мудири, катта ўқитувчи — 4, ўқитувчи — 3.
**Маҳобатли рангтасвир кафедраси:** профессор — 1, доцент — 2, катта ўқитувчи — 2, ўқитувчи — 1.
**Театр безаги рангтасвири кафедраси:** доцент — 2, катта ўқитувчи — 1.
**Бадиий кулол кафедраси:** кафедра мудири, доцент — 1, катта ўқитувчи — 1.
**Китоб графикаси ва миниатюра кафедраси:** кафедра мудири, доцент — 1, катта ўқитувчи — 2, ўқитувчи — 4.
**Меъморий ёдгорликларни таъмирлаш кафедраси:** профессор — 1, доцент — 1.
**Дизайн кафедраси:** доцент — 1, ўқитувчи — 3.
**Либос дизайни кафедраси:** кафедра мудири, доцент — 1, катта ўқитувчи — 1, ўқитувчи — 4.
**Тасвирий санъат тарихи ва назарияси кафедраси:** катта ўқитувчи — 2, ўқитувчи — 1.
**Музейшунослик кафедраси:** кафедра мудири, катта ўқитувчи — 2, ўқитувчи — 2.
**Ижтимоий фанлар кафедраси:** доцент — 1, катта ўқитувчи — 1.
**Тиллар ва адабиёт кафедраси:** доцент — 1, катта ўқитувчи — 4, ўқитувчи — 3.
**Менежмент ва информатика кафедраси:** ўқитувчи — 1.
**Педагогика ва касбий таълим кафедраси:** кафедра мудири, доцент — 1, катта ўқитувчи — 2, ўқитувчи — 1.

Номзодлар танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: институт ректори номига ариза; шахсий варақа; мутахассислик бўйича диплом; илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом ва аттестатларнинг нусхалари; илмий ва ўқув методик ишлари ва уларнинг тасдиқланган рўйхати; ўқув дастурлар.

Мутахассислик кафедралари учун қўшимча ҳужжатлар: ижодий ишлар альбоми ва уларнинг тасдиқланган рўйхати; каталоглар, фахрий унвонлар ҳақидаги диплом нусхалари.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида институтнинг ходимлар бўлимида қабул қилинади.

**Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Содиқ Азимов кўчаси, 35-уй.**
**Телефонлар: 132-18-10, 132-18-39.**


***Сўнгги йилларда республикамизда хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тобора такомиллашиб бормоқда. Бунда Президентимиз ва ҳукуматимизнинг йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир қарорлари муҳим омил бўлмоқда.***

# ДЕПАРТАМЕНТ ИШ БОШЛАДИ

Айниқса, вилоятда йўловчи транспортларининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментининг ташкил этилганлиги ушбу ҳудудда транспорт хизмати кўрсатишнинг янада яхшиланишида катта аҳамият касб этмоқда. Негаки,

### Транспорт тизими

ушбу тузилма асосий буюртмачи сифатида йўловчи ташувчи ва бошқа хизматлар кўрсатувчи транспорт воситаларини лицензиялаш ҳамда уларнинг ҳаракатини мувофиқлаштириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, аҳоли узоғини яқин, оғирини енгил қилишга бел боғлаганларнинг транспорт хизматлари бозорига киришлари учун тенг шароитлар яратиш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш билан шуғулланади. Бундан ташқари, жамоат транспортлари учун чипта тизимини жорий этиб, чипталар, карточкалар, фуқароларнинг айрим тоифаларига транспорт воситаларидан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар тайёрлаш билан боғлиқ вазифаларни ҳам бажаради.

Шунга кўра, эндиликда вилоят шаҳарларидаги транспорт бошқармалари ва бўлимлари тугатилиб, "Тошвилтранс" ҳудудий уюшмаси негизида Автомобилда йўловчи ва юк ташувчилар ҳамда автотерминаллар уюшмаси тузилади. У "Тошвилтранстерминал" деб номланади.

Соҳадаги туб ислоҳотлардан асосий мақсад, вилоятда аҳолига транспорт хизматлари кўрсатишни қатъий тартибга солиш ва сифатини яхшилашдан иборатдир.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


*Ҳурматли ишбилармонлар ва тадбиркорлар !*

«Munitsipal Auksion Markazi»

**сизларни 2008 йил 22, 29 январь, 5, 12, 19, 26 февраль ва 4, 11, 18, 25 март кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан, Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган қуйидаги ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи бўйича аукцион савдолари давом эттирилади.

**Бектемир тумани бўйича:**

Соловьев кўчасидаги сатҳи 0.02 гектардан иборат бўлган савдо маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган 6 та ер участкаси.
*Ҳар бир ер участкасининг бошланғич баҳоси — 4 074 268 сўм.*
Соловьев кўчасидаги сатҳи 0.015 гектар бўлган савдо маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган ер участкаси.
*Бошланғич баҳоси — 3 027 324 сўм.*
Лойиҳадаги Г-40,0м (Ж.Остонов) кўчасидаги сатҳи 0.4 гектар бўлган, суюлтирилган газ ёнилғи қуйиш шохобчаси қуриш учун мўлжалланган ер участкаси.
*Бошланғич баҳоси — 100 913 468 сўм.*

**Миробод тумани бўйича:**

Бехтерев кўчасидаги сатҳи 0.045 гектар бўлган, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш мажмуаси қуриш учун (муҳандислик иншоотларини кўчириш шарти билан) мўлжалланган ер участкаси.
*Бошланғич баҳоси — 30 203 268 сўм.*

**Сирғали тумани бўйича:**

Жанубий саноат ҳудудидаги сатҳи 0.09 гектар бўлган, савдо ва овқатланиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган ер участкаси.
*Бошланғич баҳоси — 8 907 324 сўм.*
Лойиҳадаги Г-64,0 кўчасидаги сатҳи 0.02 гектар бўлган, минимаркет қуриш учун мўлжалланган ер участкаси.
*Бошланғич баҳоси — 7 157 324 сўм.*

**Тошкент автомобиль йўллари институти балансида бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари:**

* 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 ВВ 643 бўлган «ВАЗ 21011» русумли автотранспорт воситаси. *Бошланғич баҳоси — 900 000 сўм.*
* 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АХ 915 бўлган «ВАЗ 21011» русумли автотранспорт воситаси. *Бошланғич баҳоси — 900 000 сўм.*
* 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АХ 914 бўлган «ВАЗ 21011» русумли автотранспорт воситаси. *Бошланғич баҳоси — 550 000 сўм.*
* 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АС 015 бўлган «ЛАЗ 697Р» русумли автотранспорт воситаси. *Бошланғич баҳоси — 1 850 000 сўм.*
* 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АС 100 бўлган «УАЗ 452Д» русумли автотранспорт воситаси. *Бошланғич баҳоси — 1 100 000 сўм.*
* 1974 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АХ 913 бўлган «ГАЗ 2401» русумли автотранспорт воситаси. *Бошланғич баҳоси — 640 000 сўм.*
* 1972 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АА 503 бўлган «МАЗ 503» русумли автотранспорт воситаси. *Бошланғич баҳоси — 4 000 000 сўм.*
* 7-автокорхона балансида бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AI 734 бўлган «ГАЗ 2411» русумли автотранспорт воситаси. *Бошланғич баҳоси — 880 807 сўм.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди балансида бўлган,**

* 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 87-75 ТНМ бўлган «УАЗ 3303-01» русумли автотранспорт воситаси. *Бошланғич баҳоси — 2 001 396 сўм.*

**«PAXTA TOZALASH» Ilmiy ishlab chiqarish birlashmasi ОАЖ балансида бўлган,**

* 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AI 979 бўлган «КАЗ 3511» русумли автотранспорт воситаси. *Бошланғич баҳоси — 4 500 000 сўм.*

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш ер участкалари бўйича савдодан 3 кун аввал, автотранспорт воситалари бўйича 1 кун аввал тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар ер участкалари ва автотранспорт воситалари бошланғич нархининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Munitsipal Auksion Markazi» АИТБ «Ипак йўли», МФО 00444, СТИР 300053338, 20208000104555055002 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, М-14, 19-уй. Телефонлар: 144-88-04, 144-88-03.** *Гувоҳнома: № 001568-09.*



# «UNIPOLIS» суғурта компанияси – халқаро мукофот совриндори

***Сўнгги 10 ой давомида Париж, Лондон, Мадрид, Женева, Франкфурт, Москва ва Нью-Йорк шаҳарларида «Business Initiative Directions» (BID) конгресси доирасида ўтказилган учрашувларда дунёнинг 93 давлатидан кўплаб компаниялар иштирок этди.***

Анжуманда иштирок этиш учун танлаб олинган компаниялар қаторида Ўзбекистон Республикасида 1996 йилдан буён фаолият юритиб келаётган «UNIPOLIS» суғурта компанияси «Global Fortune 500» халқаро рейтингига киритилди. Мазкур рейтингга киритилган компаниялар бозор иқтисодиёти шароитида яхши натижаларга эришиб, бизнес оламида барқарор фаолият олиб бораётганликларини амалда исботладилар.

«International Arch of Europe Award» меъёрий ҳужжатлари ва мезонларига асосан, «UNIPOLIS» суғурта компанияси «Франкфуртда олтин» (Германия) тоифаси бўйича Европа аркаси — «International Arch of Europe Award» совринини олишга номзод этиб кўрсатилди. Мукофотларни тантанали топшириш маросими 2008 йил 4 февраль куни Германиянинг Франкфурт шаҳрида бўлиб ўтади.

«Business Initiative Directions» (BID) компанияси томонидан топшириладиган «International Arch of Europe Award» халқаро мукофоти билан жаҳоннинг турли давлатлари компаниялари тақдирланади. Мазкур мукофот эса компанияларнинг обрўси, нуфузи ва хизмат кўрсатиш сифати янада ошишига имкон яратади.

Халқаро мукофот компаниянинг оммавий тан олинганини тасдиқлаш билан бирга, ўз фаолиятини такомиллаштириш, мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш, ходимлар ва шериклар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишга хизмат қилади.

**Мулоқот учун телефонлар: 150-19-99, 142-31-10, 142-31-82.**
**«UNIPOLIS» СК Электрон манзил: www.unipolis@gmail.com**



"INTEGRAL ASIA"

17" мониторли

P4 компьютерлари

634 000 Тошкентдаги омбордан сўмдан бошлаб




Пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Тошкент ш., «Фарғона йўли» к.13/12,
тел.: 133-10-46, 120-30-27, 120-30-28,
факс: 120-30-26.

Товар сертификатланган.
e-mail: sale@onlineuz.net
www.integr-asia.com

# ОЛМОСГА БЕРИЛГАН ЖИЛО

БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг оғзаки ва номоддий дурдонаси сифатида эътироф этилган маънавий бойликлар рўйхатидан мамлакатимизнинг икки бебаҳо мероси — «Бойсун» фольклор дастаси ҳамда миллий мусиқамиз гултожи саналмиш «Шашмақом» ҳам ўрин олган.

Қадимда мусиқий мерос устоздан шогирдга оғзаки тарзда ўтиб келган. «Шашмақом»ни нотага кўчиришдек қийин ва эзгу ишга юртимизда 1924 йилда қўл урилди. Ўшанда А. Фитрат ва Н. Миронов таҳрири остида мусиқашунос В. Успенский томонидан «Бухоро шашмақоми» нотага кўчирилди.

Лекин ҳаёт бир нуқтада тўхтаб қолмаганидек, «Шашмақом»нинг ноталаштирилган нусхасини янада такомиллаштириш зарурати туғилди. Зеро, бу мусиқий меросимиз бамисоли олмосга ўхшайди. Олмосга жило берилган сайин у янада ёрқинроқ товланади. Қолаверса, «Шашмақом» ашула йўлларининг барча шўъбаларини ўзбек мумтоз шоирларининг шеърлари билан алмаштириш эҳтиёжи бор эди. Бу эса жуда мураккаб ва катта меҳнатни талаб қиладиган жараён. Мутахассислар фикрича, Ота Жалол Носиров, Леви Бобохонов, уста Шоди Азизов, домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов сингари ҳофизлар қиёмига етказиб айтган «Шашмақом» оҳангларини нотага кўчириш учун катта қобилият, сабр-тоқат керак бўлади. Ўта мураккаб ва улкан масъулиятли мазкур юмушни академик Юнус Ражабий ўз зиммасига олди.

— 1958 йилнинг июли кечагидек

### Боқий мерос

эсимда, — дейди Бухоро давлат университети доценти Файзулло Тўраев. — Собиқ Тошкент давлат консерваториясига кириш имтиҳонини топшириб ётоқхонага келсам, Бухоро мусиқа билим юртида ишловчи устозим Маъруфжон Тошпўлатов Юнус Ражабийнинг уйига боришимни тайинлаб, хат қўйиб кетибди. Бордим. Эшикни устоз Ражабийнинг ўзлари очдилар-да, ичкарига бошладилар. Уй тўрида қўлида танбур тутган Маъруфжон Тошпўлатов, ён томонда Ўзбекистон халқ артисти Михаил Толмасов доира билан, Юнус Ражабий эса дутор билан «Бухоро шашмақоми»нинг мушкулот қисмини нотага туширишаётган экан. Домла Маъруфжон Тошпўлатов «Ироқ» мақомидан «Мухаммаси Ироқ»ни уч марта ижро этдилар. Нотага кўчириш учун уста Абдукарим Вобкандий йўли танланди...

Ҳа, ана шундай туғма мусиқий истеъдод, катта ихлос, иштиёқ туфайли Юнус Ражабий бошчилигида жами 117 шўъба нотага туширилди, «Шашмақом» ашула йўлларининг барча шўъбалари Алишер Навоий, Лутфий, Огаҳий, Атоий, Машраб, Нодира, Фурқат сингари ўзбек мумтоз шоирларининг ғазаллари билан алмаштирилди. Натижада «Шашмақом» тингловчи руҳиятига янада яқинроқ бўлиб қолди. Унинг шинавандалари қамрови янада кенгайди. Бугун биз қадимий Самарқанд, Бухоро, Хива сингари шаҳарларимиз қаторида дунёни лол этаётган ноёб маънавий бойлигимиз — «Шашмақом» билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



### Таълим



***Мамлакатимизда ёш истеъдодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда муносиб рағбатлантиришга катта эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, бундай олижаноб ишларни амалга оширишда халқ таълими тизимига қарашли бир қатор ижодий муассасаларнинг ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим. Республика Болалар бадиий ижодиёти марказида олиб борилаётган эзгу ишлар бунинг ёрқин ифодасидир.***

# ИСТЕЪДОДЛАР МАКТАБИ

Марказ қошида 24 та ижодий студия бўлиб, унда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган 409 нафар ёш амалий ва тасвирий санъат сирларидан воқиф бўлиб келмоқда. Ўғил-қизларнинг 120 нафари Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидир. Улар юртимизнинг турли ҳудудларидан танлов асосида ўқишга қабул қилинган. Ўқувчилар 35 нафар мураббий кўмагида халқ бадиий ҳунармандчилигини ривожлантириш, унинг турларини қайта тиклаш борасида янги-янги изланишлар, ғоялар устида иш олиб боришяпти. Муҳими, ёш ижодкорларнинг қалбида миллий қадриятларимизга бўлган юксак ҳурмат ва ифтихор, она-Ватанга чексиз муҳаббат туйғулари илдиз отиб бормоқда.

Ўтган йилда марказ биносининг янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилганлиги ёшлар ижодига катта таъсир кўрсатди. Яъни, масканда пухта билим олиш, санъатнинг нозик сирларини ҳамда дунёвий билимларни мукаммал эгаллашга шарт-шароитлар яратилди. Қолаверса, студияларнинг компьютер технологиялари билан тўлиқ жиҳозланиши натижасида компьютер графикаси ва дизайн йўналиши ташкил этилди.

— Бу эса, минг йиллардан буён сайқал топиб келаётган миллий ҳунармандчилик ва амалий санъат намуналарининг электрон нусхасини яратиш имконини бермоқда, — дейди марказ директори Санобар Шодиева. — Ҳозирда ўқувчилар томонидан 1000 дан зиёд ана шундай кўринишдаги попопчилик, мусаввирлик, наққошлик, зардўзлик, тасвирий санъат, шарқ миниатюраси, ёғоч ўймакорлиги, ҳайкалтарошлик, кулолчилик ва техник ижодиётнинг бир нечта турлари бўйича бежирим асарлар яратилган. Мазкур асарларни Россия, Германия, Франция, Ҳиндистон, Янги Зеландия ва Украинадаги ҳамкор ва мухлисларга ҳам интернет ёрдамида тақдим этиб бораяпмиз.

Дарвоқе, марказда кўргазмалар зали ҳам ташкил этилган. Ундаги асарларда халқимизнинг буюк бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳияти, қадриятларимизнинг нақадар теранлиги акс этганлигини кузатиш мумкин. 100 нафарга яқин ёш ижодкорларнинг бундай асарлари республикамизда ҳамда халқаро миқёсдаги кўргазмалар, фестиваллар, маданий-маърифий тадбирлар ва анжуманларда юксак ўринларга сазовор бўлган. Ғолибларнинг юртимиз олий таълим муассасаларига тест-синовларисиз қабул қилинаётгани ёшларимиз учун яна бир қулай имкониятдир.

*— 2004 йилда Ҳиндистонда ўтказилган «Шанкари — 2004» халқаро Болалар расмлар кўргазмасида олтин медалга сазовор бўлгандим, — дейди Камолиддин Беҳзод номидаги рассомчилик ва дизайн институти 4-курс талабаси Феруза Эркабоева. — Шунинг асосида институтга имтиёзли равишда ўқишга кирдим. Бунда устозларимнинг сабоқлари ва Президентимизнинг биз — ёшларга оталарча ғамхўрлик қилаётгани муҳим ўрин тутади. Бунга жавобан куч-имкониятларимизни юрт равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида сарф қилиб бораверамиз.*

**Дилмурод СОДИҚОВ.**






Спорт ● Sport ● Спорт

# ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШАДИ

***22-28 апрель кунлари Тошкентда минифутбол бўйича Европанинг икки кучли терма жамоаси — Испания ва Россия иштирокида халқаро турнир ташкиллаштирилади.***



— Бу турнир Осиё чемпионати олдидан шогирдларим учун ўзига хос тайёргарлик босқичи вазифасини ўтайди, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси мураббийси Павел Донченко. — Бугунги кунда Испания ва Россия терма жамоалари таркибида жаҳондаги етакчи футболчилар жамланган. Қолаверса, ишқибозлар ҳам қизиқарли беллашувлар гувоҳи бўлишади.

Хабарингиз бор, ўтган йилнинг сентябрь ойида минифутбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Испанияда бўлиб, бир неча ўртоқлик учрашувлари ўтказган эди.

# «ТЕМИР МАЙК» РИНГГА ҚАЙТМОҚЧИ

***Ўта оғир вазнда сайёрамизнинг собиқ энг кучли боксчиси Майк Тайсон жорий йилда яна рингга қайтиши мумкин, деб хабар беради BoxingTalk интернет сайти.***



Тайсон журналистларга берган интервьюсида собиқ кўп карра жаҳон чемпиони Эвандер Холифильд билан жанг ўтказишни мўлжаллаётганини таъкидлади. Бу иккала боксчи ўртасидаги беллашув 1997 йили Лас-Вегас (АҚШ-)да ўтказилган ва у Тайсоннинг мусобақадан четлатилиши билан тугаганди. Кўпчилик ишқибозлар яхши билишадики, ўшанда енгилаётганлигини тан олишни истамаган Тайсон рақибининг қулоғини тишлаб, жароҳат етказган. Ана шу жангдан сўнг Майк Тайсон икки йил рингга чиқиш ҳуқуқидан маҳрум қилинганди. Жорий йилда Тайсон — 42, Холифилд эса 46 ёшга тўлади.

"Темир Майк" ўзининг охирги жангини 2005 йили Кевин Макбрайтга қарши ўтказиб, мағлубиятга учраган эди. Агар боксчилар ўртасида шартнома имзоланса, бу ўзига хос реванш матчи бўлади.

# ҲАМ ҒАЛАБА, ҲАМ ДУРАНГ



***Ҳиндистонда шахмат бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида ўтказилган жамоавий Осиё чемпионатида олтинчи тур учрашувлари ортда қолди.***

*Кеча эркаклар терма жамоамиз Эрон шахматчиларини 2,5 : 1,5 ҳисобида мағлубиятга учратди. Аёллар терма жамоамиз эса ҳиндистонлик дугоналарига қарши дона суриб, 1,5 : 1,5 ҳисобида дуранг натижага эришди.*

# МАРКУС МЕРК ХЕТ-ТРИККА ЭРИШДИ

***Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) 2007 йилнинг энг яхши ҳакамлари рўйхатини эълон қилди.***



Биринчи ўрин йил давомида халқаро миқёсдаги мусобақаларни муваффақиятли бошқарган германиялик мутахассис Маркус Меркка насиб этди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу германиялик ҳакамнинг учинчи бор рейтингда биринчи ўринни эгаллашидир. У 2004 ва 2005 йилларда ҳам «Энг яхши ҳаким», деб тан олинган эди.

**З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

Спорт ● Sport ● Спорт






# СЕРФАРЗАНДЛИК... ОВОЗГА БОҒЛИҚ

***Америкалик олимлар одамнинг овози паст-баландлигини ўрганиб, қизиқ бир хулосага келишди. Уларнинг таъкидлашича, овози паст одамлар серфарзанд бўлишар экан.***

Албатта, тиббиёт жадал ривожланаётган ҳозирги даврда фарзанднинг кўп ёки кам туғилиши, аввало, турли хил дори-дармонлар, оилани режалаштириш, миллатнинг турмуш тарзи, аньаналарига, қолаверса, одамларнинг иқтисодий аҳволига боғлиқ.

### Бу ажиб дунё

Олимлар шу ҳолатни ҳисобга олиб, ўз тажрибаларини Африка қитъасининг Танзания мамлакатидаги ҳали дори-дармонлар етиб бормаган хадза қабиласи эркаклари ўртасида ўтказишди. Бу қабила вакиллари, асосан, овчилик билан шуғулланади. Улар яшайдиган ўрмонлар цивилизациядан анча узоқда жойлашган.

Тажрибада қабила вакилларининг 49 нафари иштирок этди. Уларнинг овозлари баландлиги даражаси ҳисоблаб кўрилганда, ўртача 115 герцга тенг бўлди. Ҳар бир отага 4,8 нафар фарзанд тўғри келди. Алоҳида-алоҳида текширилганда эса, овози баландлиги даражаси 90 герцгача бўлганларнинг овози баландлиги даражаси 160 герцгача бўлганлардан икки нафар кўп фарзанди борлиги аниқланди.

**Б. УММАТОВ тайёрлади.**


Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 57. 48341 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5 6 7